

Ҳадис 177-дарс. Исломга амал қилиш билан тарғиб қилиш



18:30 / 30.03.2022 3845

لَا أَقْمَلُ سَوْءَ هَيْلِ عَجَلِ الْبَلِّ صَبْرِي بَلِّ لَنْ عَ، هُنَّ عَجَلُ الْبَلِّ يَضْرِبُ كَلَامَ نَبِ فَوْعَ نَع
دَمَّحٌ أَوْ دُوَادٌ وَبَأْ هَاوْرٌ لَاتُحْمٌ وَأَرْوْمٌ أَمْ وَأَرْيَمٌ أَلِ سَأَنْ لَلِ عَصُ قِي آلِ

Авф ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамларга фақат амир ёки маъмур ёки риёкоргина гапиреди», дедилар».

Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилганлар.

Бу ҳадиси шарифда мусулмон жамиятида мусулмонлар оммасига ваъз-насиҳат, илмий суҳбат қилиш ҳуқуқига эга бўлган ва бўлмаган кишилар ҳақида сўз кетмоқда.

Исломий жамиятда мусулмонларга Исломни яхши билган, тақводор, илмли, ақл-фаросатли ва бир қанча етук сифатларга эга бўлган ҳақийқий мусулмон киши амир бўлади.

Биринчи навбатда мусулмонларга амри маъруф, наҳийи мункар, ваъз-насиҳат қилиш ҳуқуқига ўша амир ҳақли бўлади.

Иккинчи ўринда эса маъмур – ҳақли томондан, масъул киши тарафидан шу ишга амр қилинган шахс ваъз-насиҳат қилишга ҳақли бўлади. Бундай

шахслар шаръий илмларни тўлиқ ўрганиб, расмий ижозат – шаҳодатнома ёки маълум ва машҳур уламоларнинг рухсатини олган бўлиб, мусулмонларга ваъз-насиҳат, иршод, амри маъруф ва наҳйи мункар қилишлари мумкин.

Агар мазкур сифатларга эга бўлмаган кишилар бу ишни қилсалар, ўзларини билимдон кўрсатиш учун риёкорлик қилаётган бўладилар. Шу йўл билан мусулмонлар ичида обрў қозонмоқчи, уларнинг ишончига кирмоқчи бўладилар. Аслида эса алдамчилик қиладилар. Мусулмонликни қуруқ гап билан эмас, чин ихлос билан, Исломга амал қилиш билан тарғиб қилиш лозим.

Афсуски, ичимизда шу қабилдаги риёкорлар жуда ҳам кўп. Оқкўнгил мусулмонлар ҳақийқий олим ким, риёкор-қаллоб ким – буни яхши билиб олишлари керак. Бунинг учун Исломни ўрганиш, ҳақ-ноҳақ гапларни фарқлай билиш, ҳақийқий уламоларга қулоқ осиб, риёкорлардан сақланиш лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди